БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 208 (18.386). • Шанба 1982 йил 11 сентябрь • Баҳоси 3 тийин.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛАДИ

ГУЛИСТОН, 10 сентябрь. (ЎзТАГ). Ворошилов районидаги СССР 50 йиллиги номли шоликорлик совхозида Сирдарё области шоликорларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров очди.

СССР 50 йиллиги номидаги ва «Шоликор» ихтисослаштирилган совхозларининг директорлари Э. К. Кемадов, Б. Маманов, шу шоликорлик хўжаликларининг бригадирлари Ш. А. Аблямитов, А. Юсупов, Т. Давлатбеков, Б. Согиндиков ўз нутқларида партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда берган йўл-йўриқларини область меҳнаткашлари қандай бажараётганликлари тўғрисида, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида қилинган ишлар ҳақида гапирдилар.

Партиянинг иродаси, совет кишиларининг ғайратшижоати билан обод қилинган Мирзачўл пахта конигатина эмас, дон етиштираётган энг катта районлардан бирига ҳам айланиб қолаётганлигини нотиқлар уқтириб ўтишди. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида Мирзачўл меҳнатчилари 164,4 минг тонна дон етиштириб, планни 132,7 процент бажардилар. Областнинг дон компленсида маккажўхори асосий экин ҳисобланади. Ўтган йили 107,8 минг тонна маккажўхори дони етиштирилди. Бугунги кунгача 125 минг тонцага яқин «Ҳаҳрабо дон» йиғиштириб олинди. Областда шоли етиштириши кўпайтириш соҳасида катта иш олиб борилмоқда

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Ўзбекистон кунлари

ЯГОНА ОИЛАДА

МОСКВА, 10 сентябрь. Ўзбекистон меҳнаткашлари совет халқларининг қардошлик оиласида ёрқин, маънавий бой ҳаёт кечирмоқдалар. Коммунистик бунёдкорликнинг порлоқ йўлидан комил ишонч билан бораётган социалистик миллатларнинг ана шу бирлиги, дўстлиги ва ўзаро ёрдамининг кучи тўғрисида кўпгина ажойиб шеърлар ва қўшиқлар тўқилган. Ўзбек совет поэзиясига бағишланган кеча бўлиб ўтган Союзлар уйининг Колонна залида кеча ана шу шеър ва қўшиқлар янгради. Шеърият кечаси «Ягона оилада, қардошларча дўстликда» шиори остида ўтди. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида республика кунлари ўтаётганлиги муносабати билан уюштирилган ана шу адабиёт байрамида иштирок этиш учун пойтахтдаги меҳнат коллективларининг вакиллари, таниқли шоирлар келишди.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган кечани «Дружба народов» журналининг бош редактори, мамлакат Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари С. А. Баруздин очди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов ўз нутқида Совет Ўзбекистонининг маданияти гуллаб-яшнаганлиги тўғрисида, дунёда биринчи социалистик давлат юбилейини янги салмоқли асарлар билан кутиб олишга интилаётган республика адибларининг вазифалари ҳақида, уларнинг ютуқлари ва ижодий режалари тўғрисида сўзлаб берди.

Мушоирада Ўзбекистон халқ шоири Зулфия, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, шоирлардан Евгений Евтушенко, Римма Казакова, Владимир Солоухин, Сергей Северцев, Юлия Нейман, Владимир Костров ва бошқа кўпгина таниқли адиблар иштирок этдилар. Ленин партиясини, СССР халқларининг улуғ бирлигини шарафловчи, совет кишиларининг тинч бунёдкорлик меҳнатини тараннум этувчи шеърлар рус ва ўзбек тилларида янгради. Партиянинг улуғвор режаларини ҳамжиҳатлик билан амалга ошираётган, дадил мақсадларни рўёбга чиқараётган, планетада тинчлик учун ва бутун инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашаётган мамлакат халқларининг ажойиб ишлари шеърий сатрларда ўз ифодасини топди. Авторлар ўқиб берган кўпгина асарлар ССР Иттифоқининг олтмиш йиллик юбилейига бағишланган. Бу асарларда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисида, мамлакат олтмиш йил мобайнида босиб ўтган йўл ҳақида, ажойиб эртанги кун тўғрисида гапирилади.

Союзлар уйининг Колонна залида ўтказилган Ўзбекистон адиблари ютуқларининг кўриги охирида республика санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

Кечала КПСС Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро, КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари А. А. Беляев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. В. Цветков, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретарлари Ю Н. Верченко, Ю. Н. Суровцев, Ўзбекистон ССР делегациясининг аъзолари иштирок этдилар.

О. ОСИПОВ,
ЎзТАГ махсус мухбири.

КПСС МОСКВА ШАҲАР КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

МОСКВА, 10 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтказилган Ўзбекистон кунлари қатнашчиларини қабул қилди.

Ўзбекистон вакиллари пойтахтдаги меҳнат коллективларининг КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш борасидаги ютуқлари билан, шаҳар партия ташкилотининг ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, иш самарадорлигини ошириш, халқ хўжалиги ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун курашга меҳнаткашларни сафарбар этиш соҳасидаги иши билан таништирилди.

В. В. Гришин таъкидладики, пойтахт коммунистлари ва барча меҳнаткашлари Ўзбекистон партия ташкилоти фаолиятининг самарали натижаларини мамнуният билан қайд этиб, республика меҳнаткашларининг коммунистик қурилишдаги муваффақиятларини юксак қадрлайдилар, экономика ва маданиятни ривожлантиришда уларга янгидан-янги ютуқлар тилайдилар.

Суҳбатда мамлакатнинг Бош виставкасида Ўзбекистон кунлари, шунингдек бошқа иттифоқдош республикаларнинг кунлари ўтказилганлиги катта ижтимоий-сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Ана шу кунлар социализм ғалабаларининг, улуғ мамлакат барча халқлари Коммунистик партия раҳбарлигида эришган ғоят катта муваффақиятларнинг яққол намойиши, совет кишилари бузилмас бирлигининг намойиши бўлди. СССР халқлари дўстлигининг, Совет давлати ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган бу байрам меҳнаткашларни ишда янги муваффақиятларга илҳомлантиради, партия ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон вакиллари ҳам экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш планлари тўғрисида, республика партия ташкилотининг иш ҳақида, ССР Иттифоқининг шонли юбилейига тайёргарликнинг бориши ҳақида сўзлаб бердилар. Улар ишонтириб айтдиларки, серқуёш ўлка меҳнаткашлари беш йиллик иккинчи йили учун қабул қилинган барча мажбуриятларни бажарадилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

ЯНА УЧРАШГУНЧА ХАЙР, ЖОНАЖОН ПОЙТАХТ!

МОСКВА, 10 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири). «Ягона оилада» виставкасидаги Ўзбекистон ССР экспозициясининг фикр-мулоҳазалар китобида совет кишилари, чет эллик меҳмонлар завқ-шавқ билан изҳор этилган ўнлаб ёзувларни қолдирдилар.

Бугун пойтахтдаги самимий учрашувларнинг сўнгги куни. Ўзбекистон ССР делегацияси Москванинг Олимпиада объектлари бўйлаб экскурсия қилди, Ю. А. Гагарин номидаги Ҳарбий ҳаво академиясининг профессор-ўқитувчилари состави билан учрашди, Меҳмонлар жонажон мамлакат узра мусаффо осмонни пухта қўриқлаётган кишиларнинг шонли жанговар анъаналари билан таништилар. Мамлакатнинг Бош виставкасида Совет Иттифоқи қаҳрамонлари, академия раҳбарлари ва тингловчилари Ўзбекистон кунларининг қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқдилар

Серқуёш Ўзбекистон вакиллари Москвадан жўнаб кетар экан лар: «Хайр, Москва! Яна учрашгунча хайр, жонажон пойтахт!» — деб айтмоқдалар.

БМТ Бош секретари билан учрашув

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико расмий визит билан СССРга келган БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр билан 9 сентябрда учрашди.

А. А. Громико билан Х. Перес де Куэльяр ўртасида ҳозирги халқаро аҳволга таллуқли кўпгина масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Ҳозирги таҳликали халқаро вазиятда давлатларнинг куч-ғайратларини замонамизнинг энг муҳим проблемасини ҳал этишга —тинчликни сақлаб қолишга, ядровий фалокатнинг олдини олишга сафарбар қилиш ишида БМТнинг роли ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ошиб бораётганлигига алоҳида эътибор берилди.

БМТ ўз Уставининг мақсад ва принципларига мувофиқ равишда иш кўриб, ядро уруши хавфини тугатишга қаратилган амалий тадбирлар рўёбга чиқарилишига бутун чоралар билан кўмаклашиши мумкин ва лозим, деб таъкидлади А. А. Громико. Гап аввало, БМТнинг қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш юзасидан қабул қилган қарорларини турмушга татбиқ этиш тўғрисида бормоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеясининг халқаро кескинлик мавжуд манбаларини тугатиш ҳамда янги манбалари вужудга келишига йўл қўймаслик соҳасидаги фаолияти ҳам уруш хавфини камайтириш борасида катта аҳамиятга эгадир. Суҳбат давомида Исроилнинг Ливандаги жиноий агрессияси натижасида вазият яна кескин тус олган Яқин Шарқдаги аҳвол, шунингдек Африка жанубидаги ва дунёнинг бошқа бир қанча районларидаги аҳвол шу нуқтаи назардан муҳокама қилинди

Х. Перес де Куэльяр Совет Иттифоқининг муҳим халқаро проблемаларни ҳал этишга қўшаётган ҳиссасини, унинг БМТ иш кўриб келаётган бутун давр мобайнида мана шу жаҳон ташкилоти фаолиятида актив роль ўйнаётганлигини қайд этиб ўтди.

(ТАСС).

Молдавия ССР ҳафталиги

СССР 60

МИРИШКОРЛАР

Молдавия Совет Социалистик Республикасида Совет ҳокимияти йиллари мобайнида қишлоқ хўжалиги гурнираб ўсди. Ялпи маҳсулот тайёрлаш нўпайди. Қардош республика меҳнаткашлари айни кунларда КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларидан руҳланиб ишламоқдалар. Улар СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишни ўзларининг жанговар вазифалари деб билмоқдалар.

Республикада сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, ҳўл мева етиштириш борасида катта тажриба тўпланди. Мўл ҳосил усталари етишиб чиқди. Машҳур сабзавоткор, Слободзейск районидаги Свердлов номли колхозининг аъзоси Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденларининг кавалери Евгений Семёнович Кравченко ана шундай мўл ҳосил усталаридан биридир. 85 ёшли деҳқон Молдавия ССР ташкил қилинган дастлабки йилларни бундай эслайди:

— Бизда «Экинзор ҳосил билан гўзалдир», деган нақл бор. Чиндан ҳам шундай. Днестр қирғоқларида ёздан то кузгача помидорлар пишиб турса, бошқа экинлар етилиб турса, кўзинг қувнайди. Фақат бизнинг районимизда мавсумда 270 минг тонна маҳсулот тайёрланяпти. Бу 1940 йилда бутун Молдавияда тайёрланган маҳсулотдан уч баравар кўпдир.

Ҳа, Евгений Семёнович айтганидек, ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб бормоқда. Свердлов номли колхозда мева, макажўхори дони, кунгабоқар ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олинмоқда. Колхоз аъзолари давлатга йилига 20 минг тоннадан ортиқ сабзавот сотишяпти. Маҳсулот реализация қилингач, йиллик фойда 1,5 миллион сўмни ташкил этмоқда. Хўжаликда «1 Май» консерва заводи ишлаб турибди.

Свердлов номли колхозда ўз ишининг моҳир усталари жуда кўп. СССР Олий Совети депутати, СССР Давлат мукофотининг лауреати В. Пучилов ана шундай мўл ҳосил усталари-дан биридир.

Молдавия ССРда ташкил этилган агросаноат комплекслари ҳосилдорликни оширишда муҳим роль ўйнади. Бу комплексга қишлоқ хўжалиги, қайта ишловчи, савдо қилувчи ва транспорт ташкилотлари киради. Ҳалқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган асосий фондларнинг 57 процента комплекслар зиммасига тўғри келади.

Республикада машҳур механизатор, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. М. Пармаклини ҳамма танийди. У макажўхоридан муттасил мўл ҳосил олиб келмоқда. С. Пармакли «Зернопром» бирлашмасига қарашли Валя-Перш норхонасининг механизациялашган отрядига раҳбарлик қилади. Суратда: машҳур механизатор С. ПАРМАКЛИ.

Б. Капнин ва К. Тарусов фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН

Сўнгги йилларда Қашқадарё областида чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларини кўплаб бунёд этишга ғоят катта эътибор берилмоқда. Бугун областда бўлгани каби юбилей йилида «Узколхозстрой»нинг область трестига қарашли Чироқчи район колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси район хўжаликларида чорвачилик ва паррандачилик фабрикаларини тиклашда «Кам маблағ сарфлаган ҳолда кўп ва сифатли равишда қурайлик» шиори остида ўзаро социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтаряптилар.

Шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида бунёдкорлар чорвачилик ва паррандачилик объектлари қурилишида бир ярим миллион сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга муваффақ бўлди. Бу белгиланган планга нисбатан анча кўпдир. Шу давр мобайнида «Москва» совхозида 100 бош йирик қорамолга мўлжалланган молхона, район хўжаликлараро бўрдоқичилик базасида 540 та бузоқ сиғадиган бузоқхона ва 2-паррандачилик совхозида 8000 бош ўрдак боқиш мўлжалланган бинолар қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги кунларда бинокорлар Ленин номли колхозда 400 бош қорамолга мўлжалланган молхона ва 200 та бузоқ учун бузоқхона қуришни жадал суръатларда давом эттираётирлар. Бу ишда колоннанинг Нарзи Содиқов, Искандар Тошев, Суюн Тожиев ва Умар Боқиев сингари тажрибали бинокорлар етакчилик қилаётган коллективлари вақтдан ўзиб ишлаб, бригадалараро социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келишяпти.

А. ЗОКИРОВ,
«Узколхозстрой» бирлашмаси матбуот марказининг мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

ТОЛЛИМАРЖОН сув омборининг тўғони 20 метр баландликка кўтарилди. Гидроиншоот Амударёнинг бир миллиард кубометрдан ортиқ сувини қабул қилишга тахт қилиб қўйилди.

«Дренажстрой» трестининг илғор бульдозерчиси Ленин ордени кавалери Т. Қўлдошев гидроиншоот қурувчилари ўртасида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага бошчилик қилди. У йил бошидан бери икки йиллик топшириқни бажариб, уч юз минг куб метрдан ортиқ тупроқ сурди.

* * *

ҚУҚОН шаҳрининг колхоз бозорларида янги сабзавот дўконлари очилди. Бу дўконларда помидор, карам, картошка, мева ва узумнинг ортиқча қисмини томорқа участкаларининг эгалари шаҳарликларга сотишади. Ўзбекистон районидаги Ленин номли ва Муқимий номли колхозларнинг меҳнаткашлари, Фрунзе районидаги Жданов номли ва Ленинград районидаги Ҳамза номли совхозларнинг ишчилари, айниқса мўл мева ва сабзавот ҳосили етиштирдилар. Яқин вақтлар ичида шаҳар бозорида яна еттита шундай дўкон очиш мўлжалланмоқда.

* * *

«БУХАРАОБЛКОЛХОЗСТРОЙ» трестининг қурувчилари «Ғиждувон» совхози ишчиларига иккита коттежни муддатидан бир ярим ой илгари қуриб бердилар. Ҳар бир квартира табиий газ, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган ҳамда томорқа участкаси ажратилган.

Йил бошидан бери совхоз марказини еттита кооператив уй, бир қанча коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг бинолари безади.

* * *

КАРМАНА шаҳридаги 12-ўрта ҳунар-техника билим юртида ёшлар яна бир мутахассислик — Навоий области учун янги — полиграфчи касбини эгаллайдилар. Бу ерда ўттиз нафар йигит ва қиз машғулотларни бошлади. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми олдидан

ҚУДРАТЛИ ОМИЛ

Районимизда пахтачиликни интенсивлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг энг қулай ва тежамли усулларини қўлланиш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалик фани ютуқларини дадиллик билан жорий этмай туриб, илғор тажрибаларни кенг оммалаштирмай туриб, пахтачиликни ривожлантириш мумкин эмас. Фан ишлаб чиқарувчи кучга айланган ҳозирги шароитда унинг тавсияларини омилкорлик билан амалга ошириш юксак самарадорликка эришишнинг асосий шарти бўлиб қолди.

Бир мисол келтириб ўтаман. Биз икки йилдан буён чигитни прогрессив усулда пуштага экмоқдамиз. Бу йил барча пахта майдонининг 95 процентига чигит пуштага аниқ миқдорда экилди.

Бу янгиликни қўлланиш деҳқонларимизга нима берди? Аввало, чигит унниб чиқиши биланоқ ниҳолларнинг ривожи тезлашди, қатқалоқнинг олди олинди. Чигит аниқ миқдорда экилганлиги учун ҳар гектар ерга 150 килограмм ўрнига 38 килограмм уруғлик сарфланди. Шунинг ўзидан 200 минг сўм маблағ тежаб қолинди. Бунинг устига ғўзани яганалашга ҳожат қолмади. Натижада, 300 минг сўм меҳнат ҳақи тежалди.

Маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари, депутатлар, айниқса, маҳаллий Советларнинг доимий комиссиялари фан ютуқларини, илғор тажрибаларни қўлланиш ташаббускори бўлмоқдалар. Калинин номли, Миришкор қишлоқ Советларининг қишлоқ хўжалиги бўйича доимий комиссиялари фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласини сессия ва ижроком мажлиси кун тартибига киритдилар. Бу хусусда тегишли қарорлар қабул қилинди. Эндиликда «Ленинград», «Коммунизм» колхозларида қишлоқ хўжалиги фани ютуқларидан самарали фойдаланилмоқда.

Масалан, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда биологик усул оммавий равишда қўлланилянти. Бунинг учун районимизда иккита биолаборатория очилди. Ўргимчаккана, шира ёки ва бошқа ҳашаротларга қарши уларнинг кушандаси — трихограммадан фойдаланиляпти. Битта трихограмма ўнлаб кўсак қуртига қирон келтиради. Энг муҳими шундаки, биологик усул қўлланилганда ҳаво ҳам, сув ҳам, умуман табиат ифлосланмайди. Ортиқча харажатларга чек қўйилади.

Районимизда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш олиб боришнинг мукаммал системаси вужудга келди. Кўсак қурти, ўргимчаккана, шира ва бошқа зараркунандалар пайдо бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар хўжаликларнинг агроном-энтомологлари, «Узсельхозхимия» район бирлашмаси агрономлари билан биргаликда таҳлил қилиниб, зараркунандалар пайдо бўлган далаларни қандай усулда ишлаш зарурлиги ҳал этилади. Заҳарли химикатлар зарарли ҳашаротлар жуда кўпайиб, биологик усул таъсир этмайдиган даражада бўлсагина агрономлар кенгаши рухсати билан ишлатилади. Лекин бундай аҳволга йўл қўймаслик, ҳашарот пайдо бўлиши биланоқ уни қириб ташлаш чоралари кўрилмоқда.

Ўтган йили район бўйича 1651 гектар майдонга биологик усулда ишлов берилди. Бу йил эса 21 минг гектар ерда шу усул қўлланилди. Бундан тўрт йил муқаддам ғўза зараркунандаларига қарши курашиш учун 2 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, бу йил жами 40 минг сўм маблағ кетди.

Ғўзани чеканка қилишда олимларимиз яратган «Тур» препарати синаб кўриляпти. Бу йил 25 процент майдондаги ғўзалар ана шу препарат ёрдамида, 60 процент майдондаги ғўзалар эса механизация воситалари ёрдамида чеканка қилинди.

Фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли шу йилнинг етти ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 974 минг сўмлик маблағ кам сарфланди. Пахтакорлар ялпи ҳосилнинг 85 процентини биринчи сортларга сотишни, ҳар бир центнер пахта таннархини ўтган йилдагига нисбатан уч сўм арзонлаштиришни мўлжалламоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, район Советининг қишлоқ хўжалиги бўйича доимий комиссияси тавсияларини амалга оширишда «Партия XXII съезди» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Жўраев, «Коммунизм» колхозидан М. Қориева, «Қизил Байроқ» колхозидан Г. Пўлатова каби депутатлар ташаббускор бўлмоқдалар.

Ҳозирги кунларда район пахтазорларида 48 минг тонналик юбилей йили хирмони учун кураш кундан-кунга қизғин тус олмоқда. Қишлоқ Советлари ва район Совети депутатлари етиштирилган мўл ҳосилнинг бирор грамми ҳам нобуд бўлишига йўл қўймай, ўз вақтида йиғиштириб олиш учун бошланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

С. ТОШПЎЛАТОВ,
халқ депутатлари Наманган район Совети ижроия комитетининг раиси.

Озиқ-овқат программасига — ишчи кафолати

РЕЗЕРВЛАР ИШГА СОЛИНГАЧ...

Термиз гўшт-сут комбинати Сурхондарё областидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб берадиган энг йирик корхоналардан бири. Корхона коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини яқдиллик билан бир овоздан маъқуллаб кутиб олди.

Пленум қарорларида белгиланганидек, гўшт-сут саноати ходимлари эндиликда уюшқоқлик ва уйғунлик намуналарини кўрсатмоқлари, чорва маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва қайта ишлашни юксак даражада ташкил этмоқлари, кенг ассортиментда аъло сифатли гўшт маҳсулотлари, колбасалар, сут маҳсулотлари ишлаб чиқармоқлари даркор. Бу кўрсатмалардан тўғри ва тўлиқ хулоса чиқариб олган гўшт-сут комбинатининг коллективи ўзининг бутун диққат-эътиборини колхоз ва совхозлардан қабул қилиб олинган маҳсулотларнинг бирон граммини ҳам нобуд қилмасликка қаратиб, жуда тўғри йўл тутмоқда. Шу муносабат билан цехлар ва бригадалар ўртасида социалистик мусобақа қизғин тус олиб кетди. Ҳар бир ишчи белгиланган план ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни ортиғи билан бажаришни ўзининг муқаддас бурчи деб билиб, умумхалқ иши бўлмиш Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шу йилнинг ўтган 6 ойида корхона коллективи колхоз ва совхозлардан тирик вазнда 6038 тонна гўшт, 9779 тонна сут сотиб олиб, уларни қайта ишлаш жараёнида 3115 тонна юқори сифатли гўшт маҳсулотлари, 575 тонна колбаса, 3854 тонна сут маҳсулотлари, 239 тонна ёғ-мой ишлаб чиқарди ва реализация қилди. 1982 йилнинг биринчи ярмига белгиланган план муддатидан 20 кун олдин ошириб адо этилди. Давлат планида белгиланган 6 миллион 110 минг сўм ўрнига 6 миллион 805 минг сўмлик кенг ассортиментдаги гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Бу, планда белгиланганидан 695 минг сўмлик кўпдир.

Шу нарсани қувонч билан таъкидлаш керакки, корхона маъмурияти, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, бутун коллектив май Пленуми қарорларига жавобан чиқиталарни ишга солишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Дастлабки қайта ишловдан ўтган ва илгари кераксиз деб ташлаб юборилаётган чиқитлар иккинчи марта қайта ишланиб, сифатли гўшт ва сут маҳсулотларига айланаётганлигидан ҳамма хурсанд. Масалан, сутни қайта ишлаш жараёнида ундан ёғи олинган сут, сут зардоби ва ёғ сувлари ажратиб олинар ва кераксиз нарсалар сифатида йўқ қилиб юборилар эди. Кейинги пайтларда ана шу иккинчи ҳом ашёнинг бирор миқдори ҳам нобуд қилинмай йиғиб олиняпти ва озиқ-овқат ҳамда саноат эҳтиёжлари учун реализация қилиняпти. Жумладан, шу йилнинг ўзида 4051,1 тонна ёғи олинган сутдан 3314,2 тоннаси бузоқларга бериш учун хўжаликларга сотилди, 90 тоннасидан ёғсиз сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, реализация қилинди, 435 тоннасидан эса юқори сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шунингдек, сут маҳсулотларини дастлабки ишлашдан қолган 265 тонна сут зардобининг 135 тоннаси нон комбинатига, қолгани чорва молларига ичириш учун хўжаликларга сотилди. Бундан ташқари сарёғ ишлаб чиқариш жараёнида ажралиб чиқадиган сутсимон сувлардан 70 тоннаси молларга ичириш учун колхоз ва совхозларга берилди. Гўшт ишлаб чиқаришда олинадиган барча чиқиндилар ҳам иккинчи марта қайта ишланиб, суяк уни, техник мой, қон уни сифатида омухта ем ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига реализация қилинмоқда.

Комбинат илғор ишчилари, инженер-техник ходимларининг таклифлари билан гўшт ресурсларини кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу қимматли таклифларга кўра, колбаса ишлаб чиқаришда махсус рецептга асосан гўштдан ташқари қўшимча маҳсулотларни ишлатиш ҳам қўл келяпти. Бу усулда гўшт маҳсулотларига рецептда белгиланган миқдорда мол қони, козеиат натрий, нўхат оқсили, бўғдой уни, оҳор (крахмал) қўшиляпти. Натижада колбаса маҳсулотлари юқори сифатли, ўта мазали бўляпти. Бу усул истеъмолчиларга маъқул бўлиши билан бирга, мавжуд гўшт ресурсларини кўпайтиришга ҳам катта улуш бўлиб қўшилмоқда.

Биз гўшт комбинатининг яқинда қурилиб ишга туширилган колбаса цехини кўздан кечирганимизда яна бир янгиликнинг гувоҳи бўлдик. Илгари иккинчи даражали маҳсулот ҳисобланиб, бу цехда фойдаланилмаган калла-оёқ, жигар-юрак, буйрак, ҳалқум, дум, қорин ғўштлари ҳам айрим турлардаги колбасаларни ишлаб чиқаришда тўлиғича ишлатилаётганини кўрдик. Бу эса корхона коллективининг гўшт ресурсларини иқтисод қилиш топшириғини 131 процент бажаришини таъминлаган. Шунинг ўзидан 685,6 минг сўм фойда олиниб, маҳсулот таннархи 8 минг сўмга арзонлашган.

Термиз гўшт-сут комбинатининг ишчи ва хизматчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини юқори кўрсаткичлар билан нишонлаш учун курашиб, уюшқоқлик ва жўшқин ғайрат билан меҳнат қиляптилар. Масалан, колбаса цехидан область Совети депутати У. Норқулова, коммунист А. Бажанов, мол сўйиш цехидан И. Рўзимуродов, С. Ҳасанов, парҳез маҳсулотлари цехидан Б. Хўжанапасов, ёғ ишлаб чиқариш цехидан Н. Гарифуллина, ёрдамчи хўжалик ишчиларидан Н. Шердоновлар кунлик ва ойлик топшириқларини мунтазам равишда 1,5 — 2 баравар бажараётганликлари бутун коллективни янги парвозларга илҳомлантирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Термиз гўшт-сут комбинатининг аҳил коллективи СССР Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришга дастлабки кунларданоқ ўзининг салмоқли улушини қўшиб келяпти. Улар шу йилнинг ўзидаёқ бу соҳада сезиларли натижаларга эришиш учун барча имконият ва резервларни ишга солянтилар.

А. ХАЛИЛОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛИГИДА

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон травмотолог-ортопедларининг Тошкентда ўтаётган учинчи съездида травмотологик ва ортопедик хизматларнинг амалий фаолияти, илмий ечимларни ривожлантириш йўллари муҳокама қилинди. Делегатлар қилинган ишлари якунладилар, КПССнинг XXVI съезди қарорлари асосида аҳолига медицина ёрдамини янада яхшилаш вазифаларини кўриб чиқидилар, тажриба алмашдилар. Съездда болалар травматизмининг профилактикаси, диагностикаси ва уни даволашга алоҳида эътибор берилди.

Докладлар ва музокараларда айтиб ўтилдики, энг янги даволаш методлари, медикларнинг техника жиҳатидан юксак даражада қуролланганликлари ғоятда оғир жароҳатланган беморларни сафга қайтаришга, туғма ортопедик касалликларни бўлган ғўдаклар соғлиғини тиклашга имкон беради. Аммо соғлиқни сақлаш хизмати самарадорлигини ошириш, ихтисослаштирилган ёрдамни ривожлантириш травмотологларнинг ишида ҳамон асосий йўналиш бўлиб қолмоқда. Съездда Ленин мукофотининг лауреатлари, Бутуниттифоқ травмотологлар-ортопедлар илмий жамиятининг раиси СССР Медицина фанлари академиясининг академиги М. В. Волков, Курган экспериментал ортопедия ва травмотология илмий-тадқиқот институтининг директори, профессор Г. А. Илизаров, бошқа таниқли олимлар, практик врачлар шу ҳақда гапирдилар.

Съезд Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон травмотолог-ортопедлари илмий жамиятлари правлениеларининг ҳисоботларини тинглади, тавсиялар қабул қилди. Съезд қатнашчилари Тошкентдаги медицина муассасаларининг фаолияти билан таништилар.

(ЎзТАГ).

МУРАББИЙЛАР СЛЁТИ

Давлат банки ходимлари клиентларга аниқ хизмат кўрсатишга, республика халқ хўжалигига йўналтиладиган давлат маблағларидан янада самаралироқ фойдаланишга қаратилган катта ишларни олиб бормоқдалар. Улар ўртасида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Ёшлар «Энг яхши касб эгаси», «Энг яхши ёш мутахассис» номи учун мусобақалашмоқда.

Клиентларга хизмат кўрсатишни яхшилаш банк операцияларини тезкорлик билан ҳисобга олиш, ёшларда актив ҳаётий позицияни шакллантиришда тажрибали кадрлар — мураббийларнинг роли катта. Айнан улар илғор тажрибани ёйишга, бошқариш меҳнатини ташкил этиш, банк хизматчилари ишидаги қимматли ташаббус ва починларни кенг ёйишга кўпроқ эътибор беришлари керак.

Тошкентда бўлиб ўтган Давлат банки муассасалари меҳнат коллективларининг ёшлар мураббийлари республика слётида ана шу ҳақда гап борди. Слётда Давлат банки Ўзбекистон республика конторасининг бошқарувчисининг ўринбосари Ш. И. Шоғиёсов доклад қилди.

Слёт қатнашчилари республика давлат муассасаларининг ходимларига мурожаатнома қабул қилиб, уларни ўз меҳнати самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш, мураббийлик ҳаракатини кенг ривожлантириш, ёшларга ўз иш тажрибаси ва билимини етказиб, уларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга чақирдилар.

САРА УРУҒ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

СССРнинг Озиқ-овқат программасида колхозлар, совхозлар, ёрдамчи хўжаликлар ва аҳолининг сара уруғликка бўлган ҳамда тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида экинларнинг эҳтиёт фондлари, кейинги йилга ўтадиган уруғлик фондлари зарур миқдорда вужудга келтирилиши зарурлиги алоҳида таъкидланган. Бу жуда катта давлат ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Давлат стандартига мос келадиган уруғ қанча кўп, тоза тайёрланса ҳосилдорлик шунча юқори бўлади, сорт ва сифат кўтарилади.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, фақат аъло навли, синовдан ўтказилган, районлаштирилган, зараркунандалар ва касалликларга бардошли уругдангина эртапишар ва юқори ҳосил олинади. Маҳсулотлар тайёрлаш планлари, социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилади. Уруғчилик давлатга ҳам, хўжаликларга ҳам катта иқтисодий фойда келтиради, деҳқонларнинг шахсий манфаатдорлиги ортади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикамизда барча турдаги қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини янада яхшилашга катта эътибор бермоқдалар.

Республика партия ва ҳукуматининг қарори асосида хўжаликларда уруғчилик ишларини ихтисослаштириш ва марказлаштириш, фан ютуқлари, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, уруғлик тайёрлашни саноат негизига кўчириш борасида кенг кўламда катта ишлар олиб бориляпти. Натижа эса қувончли бўляпти. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида республикамизда 13757 центнер навли уруғлик, шу жумладан 7376 центнер сабзавот, 4440 центнер полиз, 1696 центнер илдизи озуқабоп экинлар ва 4023 центнер саримсоқ пиёз уруғи тайёрлангани ва юқори сорт билан давлат омборларига топширилганини айтиб ўтиш кифоядир.

Самарқанд районидаги Киров номли колхоз уруғчиликка ихтисослаштирилган. Уругдан кўп ва тоза ҳосил етиштирилиши туфайли даромад ҳам ортиб бораяпти. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар гектар уруғлик ер хўжаликка салкам 18 ярим минг сўм даромад келтираяпти. Шу райондаги Ленин номли колхоз, «Богизагон» совхозида ҳам уруғчилик ва ундан олинаётган даромад йилдан йилга кўпайтириляпти.

Риштон районидаги «Сўх» совхозининг Х. Султонов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар уруғлик сабзидан 6,5 центнердан уруғ олиб, юқори кўрсаткичга эришяпти. Бир сўз билан айтганда, сабзавот, полиз, илдизи озуқабоп экинлардан рекорд ҳосил олиб, республикамизда уруғчилик ишини яхшилашга ҳисса қўшаётган бободеҳқонлар сафи тобора кенгаймоқда. Улар муваффақиятга ҳосил йигим-теримини жуда қисқа фурсатларда уюшқоқлик билан ўтказиш, қишлоқ хўжалик касалликлари ва зараркунандаларига қарши мунтазам қураш олиб бориш йўли билан эришмоқдалар. Шуни ҳам айтиш керакки, уруғчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш, айниқса, навнинг юқори бўлишини таъминлаш одат тусига киритилди.

Уруғчилик соҳасидаги ишларни янада кучайтириш мақсадида Калинин районидаги «Бўзсув», Жиззах районидаги «Коммунизм», Самарқанд районидаги «СССР 50 йиллиги», Қарши районидаги «Аврора», Хўжайли районидаги «Хўжайли» ва Қўрғонтепа районидаги Фрунзе номли совхозлар «Ўзсортсемовошч» республика бирлашмаси ихтиёрига берилди. Эндиликда бу хўжаликлар навли уруғлар тайёрлаш билан шуғулланаётир. Ўтган йили ана шу ихтисослаштирилган хўжаликларда 2182 центнер ҳар хил навли уруғлар тайёрланди. Шу ўринда гарчи навли уруғлар тайёрлаш кўпайтирилган бўлсада, белгиланган планлар тўла бажарилмаганини айтиб ўтиш керак. Уруғчилик ходимлари бу йил давлат планларини бажаришгина қолмасдан ўтган йилги боқимандани ҳам узиш чораларини кўрмоқдалар.

«Сортсемовошч» республика бирлашмасига қарашли хўжаликлар олдида жуда катта вазифалар турибди. Ўн биринчи беш йиллик охиригача республикамизда навли уруғлар тайёрлашни 1,8 баравар кўпайтиришимиз ёки бошқачасига айтганда, 20 минг центнерга етказишимиз керак. Ҳозирча тайёрланган уруғлиқнинг ўртача 58 проценти биринчи классни ташкил этяпти. Бунга қаноат ҳосил қила олмаймиз. Биринчи класс уруғлик тайёрлашни бутун чоралар билан авж олдирмоғимиз, бу борада мутахассисларнинг ташкилотчилик ролини бутун чоралар билан кучайтириб, масъулиятини оширмоғимиз керак.

Бошқа хўжаликлар каби уруғчиликка ихтисослаштирилган колхоз-совхозлар ҳам давлатга маҳсулотлар сотиш планларини бажаришлари керак, албатта. Лекин уруғчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда навли уруғлар тайёрлаш планларининг ҳамма турлари бўйича ошириб бажарилишини таъминлаш масаласи биринчи ўринга қўйилмоғи керак. Ахир, келаси йиллардаги ҳосил тақдири кўп жиҳатдан ва асосан шунга боғлиқку! Айрим жойларда товар маҳсулотлар тайёрлаш планларини бажариш мақсадида уруғчилик участкаларидаги ҳосил ҳам муддатидан илгари йиғиб-териб олиняпти. Оқибатда давлат стандартига мос келмайдиган уруғлик олиш ҳоллари юз бераяпти. Андижон районидаги Энгельс номли, Косонсой районидаги «Косонсой», Қўрғонтепа районидаги Фрунзе номли совхозларда маҳсулотлар етиштириш ва давлатга топшириш кўпайтириляпти. Бироқ, навли уруғлар олиш учун жуда кам майдон ажратиляпти.

Республикада навли уруғлиқ тайёрлаш билан 70—80 колхоз ва совхоз шуғулланяпти. Хўжаликларда эса бригадалар ва звеноларга сочиб юборилган. Натижада хилма-хил техника воситаларидан самарали фойдаланиш имконияти бўлмаётир. Бизнинг фикримизча, ҳамма жойда навли уруғлик етиштириш ва тайёрлашни марказлаштириш, саноат негизига тўла кўчириш, техника воситаларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш пайти келди. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, айниқса қишлоқ хўжалик органлари бу муҳим ишни ўзларининг кундалик назоратлари остига олсалар яхши бўлар эди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, сабзавот, полиз ва илдизи озуқабоп экинлар уруғи тайёрлашда ҳамон қўл кучи ҳукмронлик қиляпти. Натижада ганимат фурсат бой берилиб сабзи, пиёз, қовун, тарвуз, лавлаги, помидор, бодринг, қалампир, бақлажон ва бошқа ҳил экинлар уруғининг бир қисми исроф бўляпти. Ишчи кучи етишмаётган хўжаликларда, айниқса, бундай салбий фактлар кўпроқ учраяпти. Пахтачилик, сабзавотчилик, галлачилик ва бошқа тармоқлар учун ажойиб машиналар яратиб бериб, деҳқонларимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган олим-конструкторларимиз уруғчилик хўжаликлари учун ҳам замонавий машиналар ва бошқа хил техника воситалари ихтиро қиладилар деган умиддамиз. Айниқса уруғликни янчадиган, тозалаб давлат стандарти даражасига келтириб берадиган машиналарни орзиқиб кутяпмиз.

Кейинги йилларда қовунтарвуз уруғини ажратадиган ИБК-5, помидор уруғини ажратадиган ВСТ-1,5 агрегатлари учун эҳтиёт қисмлар олмаётганимизни афсусланиб айтиб ўтамиз.

Яна бир долзарб масала шуки, илмий-тадқиқот институтларининг коллективлари уруғчилик ишини яхшилашда карвонбошилик қилмаяптилар. Улар элита уруғлиги тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга топшириш планларини ҳажм жиҳатдан ҳам, турлари жиҳатдан ҳам бажармаяптилар. Бу республикамизда навли уруғлик тайёрлашни кўпайтиришга салбий таъсир қиляпти. Ўйлаймизки, билим соҳиблари бу борада уруғчилик хўжаликларига тезроқ амалий ёрдам берадилар.

«Сортсемовошч» бирлашмаси коллективи яқин йилларда республикамизда навли уруғлик тайёрлашни 25 минг центнерга етказиш учун ҳамма чораларни кўради, СССРнинг Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Н. ХЎЖАЕВ,
«Ўзсортсемовошч» бирлашмаси бошлиғи.

ДАСТЛАБКИ ТОЛА — ТЎҚИМАЧИЛАРГА

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган Қорақалпоғистон АССР пахта тозалаш саноати корхоналари янги ҳосилни қабул қилишга пухта ҳозирлик кўрдилар. Республика партия ва ҳукуматининг 1982 йил ҳосилини йиғиб олишга тайёргарлик кўриш ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахта сифатини ошириш ҳақидаги йўл-йўриқларини бажариш соҳасидаги иш тўғрисидаги қарори пахта тозалаш заводлари ишчилари, инженер-техник ходимларининг асосий иш программаси бўлиб қолди.

Тўрткўл, Беруний, Эллиққалъа пахта тозалаш заводлари янги ҳосилдан дастлабки маҳсулот бера бошлади. 100 тонна тола Ватанимизнинг турли шаҳарларидаги тўқимачилик корхоналарига жўнатилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.



Термиз дарё порти коллективи СССР 60 йиллиги шарафига қизғин давом этаётган социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг Афғонистон Демократик Республикаси билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Порт замонавий техника воситалари билан таъминланган. Бу ердаги барча юк ортиш-туширш ишлари йириклаштирилган комплекс бригадалар ёрдамида бажарилмоқда. Суратда: докер-механизаторлар бригадаси голиблардан Б. Назиров (чапдан), Х. Жўраев, П. Марунчак, Р. Гаркфулин, А. Гришченко, М. Нуриддинов ўртоқлар.

А. Жданов фотоси.

БУТУН ҲОСИЛНИ ЙИҒАЙЛИК, АСРАЙЛИК ВА ҚАЙТА ИШЛАЙЛИК!

ИЛҒОРЛАР ИБРАТИ

Республикамиз «оқ олтин» хирмони кундан кунга юксалмоқда. Теримни биринчилардан бўлиб бошлаган бригадаларда, хўжаликларда кунлик суръат 4—5 процентни ташкил этаётир. Пахта йиғим-теримида механик-ҳайдовчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишяпти. Дала гвардиячилари бу йил ҳам ўз агрегатлари бункеридан мажбуриятда кўзда тутилганидек мўл дурдона тўкишни мақсад қилишган. Теримчилар ҳам бўш келишмаяпти. Улар ҳар куни хирмонларга 150—200 килограммдан «оқ олтин» тўкишмоқда. Бу ҳақда газетамизга, аниқроғи, «Совет Узбекистони» пахта штабига келаётган турли материалларда хабар қилинмоқда. Масалан, Наманган районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор бригада бошлиғи, Узбекистон ССР Олий Совети депутати Жамила Каримова бошлиқ бригада районда биринчилардан бўлиб теримга киришган эди. 108 гектар ерда деҳқончилик қилаётган бригада аъзолари айни кунларда давлат хирмонларига мўлжалдагидан ҳам зиёда ҳосил топширяптилар.

Кўлмингкилограммчилар мусобақасида Ҳадича Маматкаримова, Назира Иброҳимова, Васила Раҳмоновалар пешқадам бўлишаётир. Уларнинг ҳар бири хирмонга 100—150 килограммдан ошириб пахта териб тўкмоқда. Бу ҳақда бизга ёзиб юборган наманганлик А. Раҳимов коллективнинг келажак режалари, социалистик мусобақада кўрсатаётган ташаббускорлиги ҳақида фахр билан ҳикоя қилади.

Беруний районидан Мақсуд Муқонов, Юнус Бекмуродовлар Будённий номли совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳремони, КПСС XXVI съезди делегати Пардагул Рўзимова бошлиқ бўлим пахтакорларининг шу кунлардаги муваффақиятлари ҳақида хабар қиладилар.

Пардагул Рўзимованинг оилавий экипажи (турмуш ўртоғи ва қизи билан) СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига 700 тонна дурдонани агрегатлар бункеридан тўкмоқчи.

Уйчи районидаги Ленин номли колхоз аъзоларидан, — деб ёзади штатсиз мухбиримиз Э. Насриддинов, — бу йил она-Ватан хазинасига 4400 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишган. Ҳозир колхознинг барча бригадаларида мўлжалдаги хирмон учун кураш қизғин кетяпти. Мусобақада А. Тўхтаров бошлиқ бригада аъзолари голиблик қилишмоқда. Бу коллектив 127 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган. Республикада хизмат кўрсатган механизатор Б. Турсунов бошлиқ звено аъзолари ғолибликни қўлдан беришмаяпти. М. Мамадалиева, О. Камолова, Ф. Исомидинов каби теримчилар ҳар куни 140—170 килограммдан пахта териб хирмонга тўкишмоқда.

* * *

Шунингдек, А. Мелиев, Қ. Ҳошимов (Наманган), **Б. Эгамов, Т. Файзуллаев** (Қизилтепа), **Б. Меликов** (Шўрчи), **Б. Маҳмудов** (Задарё), **Ф. Абдуллаев** (Гурлан), **И. Нишонов, А. Қорабоев** (Наманган области), **М. Давронов** (Ўзбекистон райони), **А. Абдуғаниев** (Учқўрғон), **Т. Анорбоев** (Ғалаба), **И. Усмонов, М. Шарипов, Р. Ёдгоров** (Бағдод), **Қ. Эшпўлатов** (Яккабоғ)лар қишлоқ хўжалигига оид хат-хабарлар, пахта йиғим-терими мавсуми тўғрисида ахборотлар ёзиб юборишган.

ДЕПУТАТЛАР ҲИССАСИ

Самарқанд районидаги Дзержинский номли совхознинг депутатлар группаси хўжаликда етиштирилган мўл мева ҳосилини йиғиштириб олишни тезлаштиришга кўмаклашди. Халқ номзодлари боғларда бўлиб, ишчи кучи етишмаётганлиги сабабли бу ерда ҳосил терими суръати пасайиб кетганлигини, меваларнинг бир қисми ерга тўкилаётганлигини аниқладилар. Депутатлар группасининг аъзолари буни дарҳол Самарқанд район ижроия комитетига хабар қилдилар. Хўжаликка қўшимча бригадалар жўнатилди. Ҳосилнинг ҳаммаси йиғиштириб олинди.

Депутатлар группаларининг рейдлари олдиндан чамалаб чиқилганига қараганда 50 минг сўмлик кўп мева, сабзавот, узум, полиз маҳсулотларини сақлаб қолишга кўмаклашди. Яна бир натижага эришилди: ана шу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан анча кўпайди.

Областдаги халқ номзодлари Саратов депутатларининг «Етиштирилган ҳосилнинг ҳамасини йиғиштириб олайлик» деган ташаббусини кенг қўлламоқдалар. «Оқ олтин» терими бошланиб кетган ҳозирги пайтда депутатлар группаларининг бутун диққат-эътибори пахта даласига, хирмонларга, тайёрлов пунктларига қаратилган.

АХБОРОТ

Сердаромад соҳа

Жиззах райони чорвадорлари кейинги йилларда йилқичиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётирлар. Бу ерда ҳар юз бош биядан қулун олиш пландагидан 12—13 бошга ошди. Йилқибоқарлар қулун олиш соҳасида бу йил ҳам яхши кўрсаткичларга эришдилар. Ҳар юз бия ҳисобига олинган қулун 87 бошга етди.

Навоий номли колхознинг Адҳам Норжигитов, «Олтинсой» совхозининг Тоштемир Исматов ўртоқлар бошлиқ участкаларида ҳар юз биядан 97—100 бошдан қулун олишга эришилди.

Навоий номли колхозда ҳам йилқичилик сердаромад соҳага айланмоқда. Йилқибоқарлар область хўжаликларига чопқир ва насли отлар етказиб бериш борасида катта тажриба орттиришган. Район бўйича ҳар йили бошқа хўжаликларга 120—130 бош от сотилмоқда.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

Ҳамкорлик

Чехословакия, Болгария, Венгрия, Польша, Югославия каби қардош социалистик мамлакатлар билан Ватанимиз ўртасида химия-фармацевтика саноати соҳасида кўпдан бери мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган.

Дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи Чехословакиянинг «Спофа», Болгариянинг «Фармахим», Польшадаги «Польфа», Венгриянинг «Хиноин», «Гедеон-рихтер», Югославиянинг «Галеника» фирмаларининг ишлаб чиқарган дори-дармонларидан серқуёш ўлкамиз меҳнаткашлари ҳам бахраманд бўлмоқдалар. Тошкентдаги химия-фармацевтика заводи ҳам ўз навбатида ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг 18 дан ортиқ хилини дўстларимизга экспорт қилаётир.

М. УСМОНОВ.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ВХР: «ТАУРУС» ИШЧИЛАРИНИНГ ШИОРИ

БУДАПЕШТ. Венгрия резина саноатининг байроқдори — Сегеддаги «Таурус» заводининг ишчилари «Сифат самарадорликни, самарадорлик эса сифатни вужудга келтиради» деган шиор остида меҳнат қилмоқдалар. Бу корхона шу йил ўзининг бир асрлик юбилейини нишонлайди.

Завод коллективи ишлаб чиқариш жараёнларини доимо такомиллаштирганлиги, ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатини оширганлиги туфайли юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришди. Масалан, юк машиналари ва қишлоқ хўжалик машиналари учун бу ерда ишлаб чиқарилаётган покришкалар чет эллик буюртмачиларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Яқинда завод денгиздаги нефть конлари учун махсус резина шлангаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бундай шлангалар ғоят пишиқ бўлиб, бир неча юз атмосфера босимига бардош беради, денгиз сувининг таъсирига чидамлидир.

БХР: УЗУМ УЗИБ ОЛИНМОҚДА

СОФИЯ. Преславский агросаноат комплекси кооператорларининг бригадалари ва уларнинг ёрдамчилари — студентлар комплекснинг токзорларига чиқдилар. Бу ерда узум узиб олишга киришилди. Ўлка ўзининг ширин узуми билан азалдан шуҳрат қозонгандир. Ўтган йилларда бўлгани каби бу йил ҳам ана шу ажойиб узумларнинг дастлабки туркуми Совет Иттифоқига жўнатилди.

Ўн икки йил муқаддам ташкил этилган Преславский агросаноат комплекси ўзининг эришган муваффақиятлари билан мамлакатда машҳур бўлиб қолди. Комплекс узумчилик соҳасида айниқса яхши ютуқларга эришди. Бу ерда 700 киши салкам 2,5 минг гектар токзорда узум етиштириш билан шуғулланади.

Хўжаликнинг илмий жиҳатдан асосланган тарзда юритилиши узум ҳосилдорлигини республикадаги ўртача кўрсаткичдан анча ошириш имконини берди. Масалан, бултур ҳосилдорлик гектар бошига 908 центнерни ташкил этди. Хўжалик ҳар йили давлатга 18 минг тоннадан кўпроқ узум сотиб даромаднинг ярмидан кўпроғини шу маҳсулотдан олмоқда.

ГДР: ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

БЕРЛИН. ГДР мутахассислари ишлаб чиққан электроннур ёрдами билан пайвандлаш автомат установкаси ишлаб чиқариш жараёнини мустақил бошқармоқда. Унинг универсал қурилмаси меҳнат унумдорлигини анча ошириш, электр энергия сарфини камайтириш имконини берди. Янги агрегат ғоят қувватли бўлганлиги туфайли йўғонлиги 80 миллиметр бўлган пўлат заготовкаларни ҳам тайёрлай олади.

Ҳозирча бу янги қурилма синаб кўрилмоқда, лекин республикадаги бир қанча саноат корхоналари уни сотиб олиш учун буюртма беришди. Бундай қизиқиш тамомила тушунарлидир: мана шу саноат роботининг конструкцияси ундан ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида фойдаланиш имконини беради.

Микроэлектроникани ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш — шу беш йилликда ГДР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

КУБА: ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН

ГАВАНА. Куба никель саноати корхоналарини модернизациялаш тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Қанд билан бир қаторда никель ҳам республика валюта тушумларининг муҳим манбаидир.

Куба никель саноатини реконструкция қилиш ва модернизациялаш соҳасидаги ишлар Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан 1977 йилдаёқ бошланган эди. Айни вақтда винокорлар мамлакат шарқидаги Пунта-Горда шаҳрида никелни қайта ишлайдиган учинчи комбинатни қайта қуришга киришдилар.

Бу — Кубада энг йирик қурилишлардан биридир. Бу ерда кубалик инженерлар, техниклар ва ишчилар билан биргаликда 400 га яқин совет мутахассислари ҳам меҳнат қилмоқдалар.

(ТАСС).

ПАП АГЕНТЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ВАРШАВА, 9 сентябрь. (ТАСС). ПАП агентлигининг хабар қилишича, суд органлари 31 август куни қилинган ирвогарлик ҳаракатлари муносабати билан қамоққа олинган шахсларнинг ишларини кўриб чиқа бошлади. Бу — ирвогарлик ҳаракатларининг ташкилоссчилари учун ҳукумат маъмурлари қонун бузувчиларга нисбатан муросасозлик билан қарамасликлари тўғрисида жиддий огоҳлантиришдир, деб уқтиради агентлик.

Кос-Кор контрреволюцион ташкилотининг раҳбарлари давлатга қарши фаолиятини текшириш давомида Куронь, Михник, Литинский, Вуец қамоққа олинган эди. Бу шахслар ПХРдаги мавжуд давлат тузумини куч ишлатиб агдариб ташлашга тайёргарлик кўришга қаратилган жиноятлар қилишда айбланади.

Кос-Корнинг махфий яшириниб юрган бошқа раҳбарлари қидирилаётганлиги ҳам эълон қилинди.

ҚАРДОШ БОЛГАРИЯНИНГ БАЙРАМИ

СОФИЯ. (ТАСС). Болгария Халқ Республикасининг шаҳар ва қишлоқлари байрамлардагидек безатилган. Мамлакат Болгария социалистик революциясининг 38 йиллигини нишонламоқда.

Республиканинг бош майдони — 9 сентябрь майдонида меҳнаткашларнинг байрам намойиши бўлиб ўтди. БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков, мамлакатнинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари Георгий Димитров мавзолейи минбаридан туриб намойиш қатнашчиларини табрикладилар. Ишчилар, кооператорлар, зиёлиларнинг вакиллари, ёшлар БКП XII съездининг Болгарияда ривожланган социалистик жамият қурилишини авж олдиришга қаратилган қарорларини муваффақиятли амалга ошираётганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Бузилмас болгар-совет дўстлигини шарафловчи ва КПСС билан БКП шаънига табрик сўзлари ёзилган транспарантларни кўтариб ўтдилар.

Мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам байрам намойиши бўлиб ўтди. Намойишлар партия ва халқ бузилмас бирлигининг, БХР меҳнаткашларининг марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализмга, совет халқи билан қардошларча дўстликка содиқ эканликларининг ёрқин далили бўлди.

МУЗОКАРАЛАР ТУГАДИ

ПРАГА, 10 сентябрь. (ТАСС). Кеча бу ерда ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак билан Ливия революциясининг раҳбари, Ливия социалистик халқ араб жамаҳириясининг бошлиғи полковник М. Каддафи ўртасидаги музокаралар ниҳоясига етди. Икки мамлакат раҳбарлари музокаралар охирида Чехословакия билан Ливия ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ва Чехословакия—Ливия қўшма баёнотини имзоладилар.

М. Каддафи шу куниёқ Чехословакиядан жўнаб кетди. Прага аэропортида ливиялик олий мартабали меҳмонни Г. Гусак ва Чехословакиянинг бошқа раҳбарлари кузатиб қолдилар.

ИРОҚ — ЭРОН:

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҒДОД. (ТАСС). Ироқ-Эрон фронтида жанг ҳаракатлари давом этмоқда. Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг хабар қилишича, 8 сентябрь куни Эрон авиацияси ва артиллерияси Ироқнинг Басра шаҳри билан Зурбатия, Карата ва Ал-Мунзирия аҳоли пунктларини бомбардимон қилиб, тўпга тутди ва уларга моддий шикаст етказилди. Ироқ артиллериясининг ўти билан Эроннинг икки юк машинаси, артиллерия тўпи ва тўртта ўқ-дори омбори йўқ қилинди.

Ироқнинг расмий ҳарбий ваклли Ироқ ҳарбий денгиз кучлари Эроннинг Бандар-Хумайни порти яқинидаги Ҳур-Мусо бўғозида душманнинг бир кемасини чўктириб юборганлигини айтди.

ТЕҲРОН. (ТАСС). Эрон қўшинлари душманнинг 155 солдатини сафдан чиқардилар, дейилади «Ислом инқилоби посбонлари» корпуси марказий штаби билан Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг қўшма маълумотида. Шатт-ал-Араб дарёсининг юқори қисми районида асосий жанглар авж олиб кетиб, бу ерда Ироқ қўшинларининг ўқ-дори ортилган икки транспорти, бешта ҳарбий бункер ва учта кузатув пункти йўқ қилинган. Ана шу жангларда Эроннинг саккиз солдати ҳалок бўлди, 39 солдати жароҳатланди, дейилади маълумотда.

Эрон томони Ироқ авиациясининг Эрон позицияларига ҳужумлари тўғрисида хабар қилиб, бу ҳужумлар қайтарилганлигини айтди.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

КУБА — ФИЛИППИН БИТИМИ

МАНИЛА. Куба билан Филиппин илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим тузилар.

Бу ҳужжат икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради. Ҳужжатни бугун бу ерда расмий визит билан Филиппинда меҳмон бўлиб турган Куба ташқи ишлар министри Исидоро Мальмирека ҳамда Филиппин Республикаси экология ва манзилгоҳлар министри Имельда Маркос имзоладилар.

ФЕСДАГИ КЕНГАШДА

РАБОТ. Араб мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг XII кенгаши Марокашнинг Фес шаҳрида ўз ишини тамомламоқда.

Фесдаги учрашувда 19 араб давлатидан делегация ва Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат бошчилигидаги Фаластин Озодлик ташкилоти делегацияси иштирок этмоқда.

Учрашув маҳфий тарзда ўтмоқда. Лекин ахборот агентликларининг мухбирлари делегацияларнинг фикрига асосланиб, кенгаш қатнашчилари Яқин Шарқдаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш ғояси ҳусусида бир фикрга келганликларини уқтирмоқдалар. Тунисдаги ТАП агентлигининг хабар беришича, бу план асосан БМТ қарорларига таянган бўлиб, жумладан Яқин Шарқ проблемасини ҳал этишда Фаластин Озодлик ташкилотининг иштирок этишини, Исроилнинг 1967 йилда араблардан босиб олинган территориялардан кетишини ва фаластинлик араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олишни кўзда тутади.

Си-Би-Эс телекомпанияси мухбирининг хабар беришича, Фесдаги кенгаш қатнашчилари бир битимга келишган. Бу эса Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида ва Ғазо секторида Фаластин давлатини тузишни, Исроилнинг босиб олинган территориялардан чиқиб кетишини ва Исроил давлатининг мавжудлигини тан олишни кўзда тутади. Си-Би-Эс «ҳозирги кенгашдаги сингари бундай ҳамжиҳатлик араб мамлакатлари ўртасида кўпдан бери бўлмаган эди. Исроилнинг Ливанга бостириб киргунлиги араб мамлакатларининг ўзларига эриша олмаган нарсаларни ado этишлари учун уларга кўмаклашди» деган ҳулосани чиқаради.

ОММАВИЙ НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШдаги жуда катта индустриал марказ — Детройт меҳнаткашлари Рейган маъмуриятининг халққа зид иқтисодий сиёсатига қаршилик намойишини ўтказдилар.

Автомобилсозлар, пўлат эритувчилар, ўқитувчилар касаба союзларининг вакиллари бўлган 6 мингдан кўпроқ намойишчи, АҚШ ишчилар синфининг бошқа отрядлари «Биз ишлашни хоҳлаймиз!», «Бюджетнинг қисқартирилиши бизга эмас, балки бойларга ёрдам берди!», «Бизга ҳарбий программалар эмас, балки тинчлик программалари зарур!» сўзлари ёзилган плакатларни кўтариб шаҳар кўчаларидан юриб марказий майдонлардан бирига қараб келди. Бу ерда митинг ўтказилди.

Америка меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзларининг конфедерацияси бирлашган касаба союзи Детройт бўлимининг раиси Т. Тэрнер ўз нутқида бундай деди: «Президент Рейган ишчилар синфига душман бўлган сиёсатни ўтказмоқда. Оқ уй бошлиғи «катта бизнес» манфаатини бўлиб, фақат уларнинг манфаатларини ҳимоя қиляпти».

ВАШИНГТОН ТАЗИЙИҚИ ОСТИДА

ТОКИО. Япония миллий мудофаа бошқармаси Япония архипелаги сохилларидан қарийб минг миля масофада мамлакат қуролли кучлари ҳаракат доирасини кенгайтириш юзасидан Вашингтон тазйиқи остида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга киришди.

Матбуотнинг хабар беришича, Японияннинг ҳарбий маҳкамаси 13 сентябрдан бошлаб Тинч океанда Япония билан Қўшма Штатлар ҳарбий-денгиз кучларининг биргаликдаги машқлари кенг кўламда ўтказилишини эълон қилди. Япония ҳарбий денгиз кучларидан бу машқларда 80 дан кўпроқ кема, 90 та самолёт ва шахсий составдан қарийб 16 минг киши, АҚШ ҳарбий денгиз кучларидан тўртта кема, битта сув ости кемаси, шунингдек самолётлар қатнашади.

Маҳаллий обзорчиларнинг кўрсатиб ўтишича, навбатдаги намойишнинг асосий мақсадларидан бири — Тинч океан регионидаги Америка қуролли кучлари жандармчилик вазифаларининг анчагина қисмини Япония ҳарбий-ҳаво кучлари зиммасига юклашдан иборат. Вашингтон кучларни навбатдаги намойиш қилишнинг ташаббускори бўлиб чиқмоқда.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ОПЕРАЦИЯ

МАПУТУ. Мозамбик ахборот агентлиги (АИМ) хабар қилишича, республика қуролли кучлари ирқчи Жанубий Африка Республикаси боқимида бўлган «Миллий қаршилик ҳаракати» шайкаларини тор-мор қилиш юзасидан янги муваффақиятли операция ўтказганлар.

«Мозамбик халқ озодлик кучлари» (ФПЛМ) жангчилари ана шу контрреволюцион газандаларнинг Маника вилоятидаги Чикуеует районидаги йирик ҳарбий базасини эгалладилар. Бунинг натижасида душманнинг 42 солдати қириб ташланган, бир неча солдати асир қилинган, Ғарб давлатларида ва Жанубий Африкада ишлаб чиқарилган кўп миқдорда ҳар хил қурол-яроғ, ўқ-дори, ҳарбий аслаҳа-анжом қўлга олинган.

(ТАСС, 10 сентябрь).

ҚАРДОШЛИК ТАРОНАЛАРИ

Бутуниттифоқ санъат фестивали «Тошкент-ёзги кечалар»

Сўз—фестиваль қатнашчиларига

МУҲАББАТ ЭЪТИРОФДАН БОШЛАНАДИ

Зайнаб ХОНЛАРОВА,
СССР халқ артисти

Халқларимизнинг дўстлиги йиллар синовидан ўтиб, бақийлиги ҳамда пурсамаралиги билан жаҳон халқлари наздида обрў-эътибор қозониб келмоқда. Қардош халқларнинг меданиятлари, санъатлари ўзига хос анъаналари билан бирбирини бойитмоқда, бир-бирининг ҳаётбахш таъсири остида равнақ топмоқда, юксак камолотга эришмоқда. Қардошлик ойласида миллий санъатлар мисли кўрилмаган тараққиётга эришди. Кеча Ўзбекистон пойтахтида тантанали равишда очилган «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали совет санъати равнақининг ўзига хос намойишига айланажакдир.

Фестивалда ўндан зиёд қўшиқ ва рақс ансамблари, номдор оркестрлар, камер хорлари, шунингдек бандурист қизлар триоси, жаҳонга машҳур Анатолий Соловьяненко, Жўрабек Муродов, Юрий Гуляев, Мая Шоҳбердиева сингари таниқли санъаткорлар иштирок этишмоқда. Ҳар бир қардош республика санъати намоялари ўзига хос бетакрор ижрочилик маҳоратини намойиш этди. Биз фестиваль чоғи бир-биримиздан ўрганамиз, тажриба алмашамиз. Бу эса янги ижодий ютуқларни қўлга киритишимизда муҳим омил бўлади.

Бундан бир неча йил муқаддам Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. Адабиёт ва санъат кунларида мен ҳам иштирок этгандим. Уч кун бурун Тошкентга келганимизда, қиска давр ичидаги ўзгаришларни кўриб, рости, ҳайратландим. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи кўркамлиги, муҳташамлиги, шаркона меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этганлиги билан кишини мафтун этади. Мен жаҳоннинг 45 мамлакатида гастролда бўлганман. Лекин Тошкент... бу кўҳна ва навқирон шаҳар кўчаларининг хушманзаралиги, иморатларининг замонавийлиги ва шарқоналиги билан, ўзбек халқи эса ўзининг меҳнаткашлиги ва меҳмондўстлиги билан ҳақиқий таъзимга ва таҳсинга лойиқдир. Ўтган саф:р Тошкентдаги Я. М. Свердлов номидаги концерт залида берган концертим ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Ушанда мен икки ярим соатча қуйладим. Бехад толиқдим, лекин томошабинлар қарсак чалишни қўймас эдилар. Юз-кўзидан, кийинишидан маълумки, улар ишчилар, пахтакорлар, қурувчилар эди. Улар ишдан толиқиб келганликларини билардим, бироқ санъатни шу қадар қадрлашларини кўриб, яна куйлай бошладим. Ўзбек халқи бу йил 6 миллион тоннадан зиёд «оқ олтин»ни ҳирмони бунёд этишга азм қилган. Ҳа, бу халқ маҳоратини ишлашни ҳам, яратишни ҳам, санъатни нозик таъблик билан ҳис этишни ҳам, қадрлашни ҳам билади. Мана, йигирма йилдирки, саҳнадаман. Санъатга ошифта халқларни кўп кўрганман. Лекин ўзбек халқидек санъатсевар халқ кам.

Мен М. Ф. Охундов номидаги Озарбайжон давлат опера ва балет театрида ишлайман. «Лайли ва Мажнун»да Лайли, «Асл ва Карам»да Асл, «Ошиқ Ғариб»да Шоҳсанам ролларида чиқаман. Лекин қўшиқ айтиш — Ватанимизни, халқларимизнинг бузилмас қардошлигини, она-юртимни улуғлаш менга бўлакча бир завқ-шавқ бағишлайди. Яқиндагина биз Афғонистон ва Яманда гастролда бўлдик. У ерда ҳам беполён мамлакатимиз улуғланган куй ва қўшиқларни ижро этдик.

Қуёшли Ўзбекистоннинг саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларида меҳнаткашлар билан бўладиган ижодий учрашувларимиз ҳам сермазмун кечишига шубҳа қилмайман. Чунки биз — озарбайжонлик санъаткорлар «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивалига муносиб армуғонлар билан, кўлдан-кўп янги қўшиқлар билан келдик. Ошиқ Али шеъри билан айтиладиган «Не галди?» («Нима қолди?»), Мушфиқ шеъри билан айтиладиган «Эй манимдир» («Менинг элимдир») қўшиқларини фестивалга атаб тайёрладим.

«Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали анъанавий санъат байрамига айланиб қолиши яна ҳам қувончлидир.

ДЎСТЛАР ДАВРАСИ

Жўрабек МУРОДОВ,
СССР халқ артисти

Бу йил мамлакатимизнинг шонли юбилейи — СССР ташкил этилганлигининг қутлуғ 60 йиллиги кенг нишонланади. Бу айёмга барча совет кишилари қатори санъаткорлар ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқда, ўзларининг муносиб армуғонларини ҳозирламоқда. «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали ана шу тайёргарликнинг ўзига хос кўриги деса бўлади.

«Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивалида Тожикистондан 35 санъаткор қатнашмоқда. Улар Ўзбекистон меҳнаткашларига тортиқ тариқасида янги-янги концерт программалари билан келишган. Тожикистон ССР халқ артистлари Малика Каландарова, Нисон Шоулов, артистлар Муродбек Насриддинов, Курбон Содиқов, Муаззама Иброҳимова, Хосият Ортикова, Савригул Қурбоновларнинг ажойиб куй ва қўшиқлари, рақслари ўзбекистонлик санъатсевар томошабинларга манзур бўлишига шубҳа қилмаймиз. Улар тожик халқининг ажойиб куй ва қўшиқлари-ю рақсларидан, ўзбек, рус, украин ва бошқа қардош халқларнинг қўшиқ ва рақсларидан иборат ажойиб гулдасталар ҳозирлаб келишган.

Яқинда биз бир неча кун мобайнида Афғонистонда, кейин бир ой мобайнида Японияда гастролда бўлдик. Афғонистонлик дўстларимиз ҳам, япон томошабинлари ҳам совет санъати намуналарини зўр қизиқиш билан қарши олдилар.

Шу кунларда Ўзбекистон меҳнаткашлари «оқ олтин»йигим-теримини авж олдиришган. Биз бир неча кун мобайнида Бухоро области далаларида бўламиз. Юбилей арафасида кўтаринки рухда меҳнат қилаётган, катта-катта зафарларни қўлга киритаётган ишчилар, колхозчилар, чорвадорлар билан учрашамиз. Колхоз ва совхозларда, завод ва фабрикаларда қилинаётган салмоқли ишлар билан, замондошларимизнинг ҳаёти билан яқиндан танишамиз. Уларга ўзларимизнинг энг яхши асарларимизни тақдим этамиз. Шу йўсинда қардошларимизнинг муваффақиятларига ўзларимизнинг камтарин улушимизни қўшамиз. Шунинг учун ҳам «Тошкентнинг олтин кузи» фестивали бизга қувонч бахш этмоқда, бизни янгидан-янги ижодий зафарлар сари илҳомлантирмоқда.

СТУДЕНТЛАР ШИФОХОНАСИ

Қорақалпоғистонда студентларнинг биринчи шифохонаси очилди. Нукус давлат университетининг санаторий-профилакторийси ишга тушди. Тўрт қаватли ёруғ бинода физиотерапия, даволаш физкультураси кабинетлари, сув билан даволаш хонаси, икки ва уч ўринли палаталар жойлашган, кутубхона ва дам олиш заллари бор. Бу ерда ҳар йили студент ва педагоглардан 1200 дан кўпроқ киши даволаниши ва дам олиши мумкин.

[ЎзТАГ].

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЎЛМАСОВА — ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ

Андижонлик моҳир югурувчи, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Светлана Ўлмасова яна Европа чемпиони бўлди. У 1978 йили биринчи марта қитъа чемпионатида олтин медални қўлга киритган эди. Ўлмасова бу йилги мавсумни ҳам кўтаринки рухда ўтказди. Жаҳон кубогининг соҳибаси яқинда Киевда якунланган СССР чемпионатида 3 километрга югуриб жаҳон рекордидан зиёда (8 минут 26,78 секунд) натижага эришди. Москвада ака-ука Знаменскийлар хотирасига бағишланган халқаро мусобақада мазкур масофани 8 минут 44,03 секундда босиб ўтиб, маррада биринчи бўлди. Лос-Анжелосда бўладиган Олимпиада ўйинларида иштирок этишни орзу қилаётган С. Ўлмасова куни кеча Афинада давом этаётган Европа чемпионатида 3 километрга югуришда биринчи бўлиб, иккинчи марта Европа чемпиони номини олди.

Мусобақада иштирок этаётган тошкентлик А. Харлов эса 400 метрга тўсиқлар оша югуриб (48,56 секунд) олтинчи ўринни эгаллади.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● ШАХМАТ. Москвада жаҳон чемпионлиги учун ўтказилаётган зоналараро турнир иштирокчилари ўртасида 3-тур ўйинларидан кейин Г. Каспаров билан М. Таль ҳисобидаги очколар 2,5 таданга етди. А. Белявский иккита очко тўпланди.

● ФУТБОЛ. Биринчи лига коллективлари ўртасида навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди. Жиззахнинг «Звезда» командаси СКА «Карпати» коллективини қабул қилиб (1:1), очколарини 27 тага етказди. Ҳозир «Жальгирис» ва «Нистру» коллективлари 41 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Колос» 40 очко билан учинчи ўринда бормоқда.

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

ТВ ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

13—19 СЕНТЯБРЬ

13 СЕНТЯБРЬ ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.15 — Фақат иккимиз. Бадиий фильм. 11.35 — Киносаҳҳатчилар клуби. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Концерт. 16.55— Химия — 82. 17.15 — Оналар мактаби. 17.45 — Фильм-концерт. 18.00 — Партия планлари — халқ планлари. 18.30 — Футбол шарҳи. 19.00 — Концерт. 19.30 — Кубань казаклари. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ешлар адреслари. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Спорт программаси. 24.00 — Классик кураш бўйича жаҳон чемпионати.

МОСКВА-II. Профилактика муносабати билан 13 сентябрь, душанба куни Марказий телевидениенинг иккинчи программасида кўрсатувлар намойиш қилинмайди.

ТОШКЕНТ-I. 10.20 — Табиатшунослик. 10.40 — Ҳужжатли фильм. 11.30 — Биз табиат билан танишамиз. 11.50 — Еқимтой жаноб «Р». Бадиий фильм. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.30 — Кувноқлар даврасида. 19.00 — Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 — Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 50 йиллигига. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телеспектакль. 19.00 — Концерт. 19.40 — Арманистоннинг саховати. 20.00 — Янгиликлар. 20,20 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 21.30— Москва-II.

14 СЕНТЯБРЬ СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильм. 10.30 — Кубань казаклари. Бадиий фильм. 12.30 — М. Глинка. Катта секстет. 12.55 ва 15.00— Янгиликлар. 15.15 — Кинопрограмма. 16.05 — Рус тили. 16.35 — Бўратино кўргазмаси. 17.05 — Илмий-оммабоп фильм. 17.25 — Концерт. 17.50 — Стадион ҳамма учун. 18.20 — Экономика тежамли бўлиши керак. 18.30 — Инсон ва қонун. 19.00 — Кувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Балет. 19.50 —Ягона оилада. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. Спартак (Москва) — Арсенал (Англия). Таниффус пайтида — Дунё воқеалари. 23.45 — Ҳужжатли фильм.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.05 ва 13.45 — Француз тили. 11.05 — Золушка балети. 11.35 ва 12.50 — Ботаника. 11.55— Илмий-оммабоп фильм. 12.20— Шахмат мактаби. 13.10 —Поэзия. 14.15 — Қадимий рус санъати. 14.45 — Беш йиллик менинг ёшлигим. 15.30 — М. Горький. Илк ҳикоялар. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.00 — Спорт ҳафталиги .20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.00 — Ер планетасидаги ўдам. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 —Қойилмақом фердинант. Бадиий фильм. 12.30 — Адабиёт. 13.00 — Кинопрограмма. 18.05 — Болалар учун фильмлар. 18.30 — Шоирлар — болаларга. 19.00 —Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45— Адабий альманах. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Хирмонингизга барака. 22.20 —Мафтункор бахт юлдузи. Бадиий фильм. 23.35 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Тарвуз саргузашти. Бадиий фильм. 18.40 — Саҳро бойиб бормоқда. 19.00 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 19.30 —Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Эртага — премьера .21.30 — Москва-II.

15 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.20 — Ер планетасидаги одам. Бадиий фильм. 11.50 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Совет тасвирий санъатида тарихий революцион мавзу. 16.40— Горчилар, қаердасиз! 17.25 — Объектив. 18.00 — Халқ куйлари. 18.15 — М. Танк поэзияси. 18.50 — Мультфильмлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Рус шимолнинг қўшиқлари. 20.00 — Муаммолар —изланишлар — ечимлар. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. Динамо (Тб)—Наполи (Италия). 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Футбол. Торпедо (Москва)—Бавария (ГФР). 23.45 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Астрономия. 10.05 ва 14.25 — Немис тили. 11.05 — Тарих. 11.35 ва 12.40 — Биология. 12.05 — Фёдор Трофимович ва бошқалар. 13.10 — Музика. 13.40— Тарих. 14.05 — Табиатшунослик. 14.55 — Биз совет халқи. 15.45 — Генетик инженерия. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — Ҳамдўстлик. 20.10 — Кўрик-конкурс .20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45— Илмий-оммабоп фильм. 21.00— Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Тугалланмаган дарс. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Кўзойнак таққан бола. Бадиий фильм. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — Мафтункор бахт юлдузи. Бадиий фильм, 1-серия. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Болалар учун концерт. 18.45 — Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Кинопрограмма. 20.30 —Ахборот .20.50 — Ленин берган саодат. 21.30 — Время. 22.00 — Халқаро аҳвол кундалиги 22.15 — Мафтункор бахт юлдузи. Бадиий фильм. 2-серия. 23.30— Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Еттинчи жин. Бадиий фильм. 19.15 — Халқ фаровонлиги йўлида. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Кинопрограмма. 21.30 — Москва-II.

16 СЕНТЯБРЬ ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горчилар, қаердасиз! 10.25 — Тугалланмаган дарс. Бадиий фильм. 1-серия. 11.30— Ҳужжатли фильм. 11.50 — Концерт. 12.35 — Ҳужжатли фильм. 13.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Дўстлар экрани. 16.15 — Стол тенниси бўйича Европа лигаси биринчилиги. СССР — Италия. 16.55— Концерт. 17.10 — Кинопрограмма. 17.45 — Ватан қуёши остида. 18.30 — Фан оламида. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Кўрик-конкурс. 20.00 —Футбол. Грассхопперс (Швейцария) — Динамо (Киев). 21.30 — Время. 22.05 — Музикали фильм. 23.30 — Дунё воқеалари. 23.45— Ҳужжатли фильм.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.45 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.15 ва 13.40 — Испан тили. 11.05 — Ҳужжатли техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 ва 12.45— Зоология. 12.00 — Оналар мактаби. 12.30 — Илмий-оммабоп фильм. 13.10 — Қадимий шарқ санъати. 14.10 — Вс. Иванов. «Бронепоезд 14-69». 14.55 — Илиқ куз қуёши. Бадиий фильм. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильмлар. 19.55 — Биргаликда аҳил оиламиз. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Сиз бунга қодирсиз. 21.30 — Время. 22.05 — Тугалланмаган дарс. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — До-ре-ми-фа-соль. 12.30 — Зоология. 13.00 — Мафтункор бахт юлдузи. Бадиий фильм. 2-серия. 18.00 — Ешларнинг Бутуниттифоқ III спорт ўйинларида Ўзбекистон делегацияси чиқишларининг якунларига бағишланган спорт байрами. 19.00 —Фан уфқлари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ягона оилада. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05— Хирмонингизга барака. 22.25— Отасизлик. Бадиий фильм. 23.55 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Ақлли буюмлар. Бадиий фильм. 1-серия. 19.15 — Ижтимоий фан сектори. 19.45 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Москва-II.

17 СЕНТЯБРЬ ЖУМА

МОСКВА-I. 9,00 — Время. 9.40 — Болгария болалар коллективларининг чиқиши. 10.25 — Тугалланмаган дарс. Бадиий фильм. 2-серия. 11.25—РСФСР-да хизмат кўрсатган артист А. Наседкин чалади. 11.55 — В. Дуров номли жониворлар театрида. 12.40 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 13.00 —Спорт — менинг муҳаббатим. 13.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Фильм-концерт. 16.00 — Уфқ. 17.00 — Концерт. 17.30 —Шахмат мактаби. 18.00 — Биз БАМни қурямиз. 18.30 —Халқ ижоди. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Моцарт. Ремажор сонатаси. 20.15 — Бизнинг болаларимиз. 21.00 —Имзо. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 —Время. 22.00 — Имзо. Бадиий фильм. 2-серия. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.20 — Х. Иглесиас концерти (Испания).

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.40 — Тарих. 10.00 — Илмий-оммабоп фильм. 10.10 ва 14.00 — Инглиз тили. 11.05 — Умумий биология. 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 — Шеърият. 13.10 — Табиатшунослик. 13.30 — Астрономия. 14.35 — Бил ва уддала. 15.20 — Л. Соболев асарлари саҳифалари. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Болалардан кўнгил тўқ бўлсин. 19.20— Фильм-концерт. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 —Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45— Сўз — чет эллик ёзувчиларга. 21.10 — П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреати В. Муллова чалада (скрипка). 21.30 — Время. 22.05 — Л. Бетховен. 5-симфония. 22.35 — Хоккей. ЦСКА— Торпедо.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — Уларни океанлар кутмоқда. 12.30 — Отасизлик. Бадиий фильм. 18.05 — Мен, сен ва мультик. 18.40 — Инсон болаликдан бошланади. 19.10 — СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта. 19.30 — Ахборот. 19.45—Цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Дунё воқеалари. 22.30 — Якшанба тўни. Бадиий фильм. 00.05 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Ақлли буюмлар. Бадиий фильм. 2-серия. 19.20 — Халқ хизматида. 19.50 — Телевизион фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.50 —Енгил атлетика. СССР кубоги. 21.30 — Москва-II.

18 СЕНТЯБРЬ ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.35—АБВГДейка. 10.05 — Спортлото. 10.15 — Фёдор Трофимович ва бошқалар. 10.50 — Экран дўстларни чорлайди. 11.35 — Нўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 12.05 — Илмий-оммабоп фильм. 12.15 — Поэзия. 13.10 — Ҳужжатли фильм. 13.30 — Ўрмон ходимлари кунига бағишланган очерк. 14.00 — Кичик ер хотираси. 14.15— Концерт. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Болалар учун фильм. 16.20 — Ҳайвонот оламида. 17.20 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 17.50 — Мультфильмлар. 18.20 — 1982 йил қўшиқлари. 19.00 — Тинчликни сақлаш Совет Комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 19.45 — Чин қалбдан. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.05 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 23.50 — Астрахань қўриқхонаси ҳақида. 00.20 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.20 — Тонгги почта. 9.50 — Ҳужжатли фильм. 10.20 — Мультфильм. 10.30 — Фаришта куни. Бадиий фильм. 11.40 — Эстония телевидениесининг программаси. 13.40 — Кувноқ стартлар. 14.25 — Киносаҳҳатчилар клуби. 15.20 — Фильм-спектакль. 17.05 —Халқаро обзор. 17.20 — Музикали киоск. 17.50 — Бизнинг биография. 1962 йил. 18.50 —Салом, мен холангиз бўламан. Бадиий фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — Хоккей. Спартак — Динамо (М).

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Сўз кетидан сўз келар. 10.30 — Эрта тонг. Бадиий фильм. 12.05 — Светофор. 13.05 — Шахмат мактаби. 13.35 — Х. Ниязий. Бой ила хизматчи. 18.05 — Мультипанорама. 18.55 — Қўшиғим, жон қўшиғим. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Баҳс. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Даврамизга марҳабо! 21.30 — Время. 22.05 — Даврамизга марҳабо! Фестивалнинг давоми.

Тожикистон телевидениесининг программаси.

19 СЕНТЯБРЬ ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.25 — Будильник. 10.55 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.55 — Здоровье. 12.40 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Тонгги почта. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Музикали киоск. 15.00 — Усимликлар дунёси. 15.45 — Жаҳон халқларининг ижоди. 16.15 — Огир атлетика бўйича жаҳон чемпионати. 17.00 — Киносаҳҳатчилар клуби. 18.00 — Бугун — Ўрмон ходимлари куни. 18.15 — Ўрмон ходимлари кунига бағишланган музикали программа. 19.00 — Халқаро панорама. 19.45 — Опера билан учрашув. 21.30 — Время. 22.00 — Операниг давоми. 23.15 — А. С. Пушкин шеърларини СССР халқ артисти О. Ефремов ўқийди. 23.55 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядка-га сафланинг. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 9.55 — Беайб. Бадиий фильм. 11.20 — Фестиваллар. Конкурслар... Концертлар. 12.40 — Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати. 13.25 — Ҳужжатли фильм. 13.55 — Концерт. 14.20 — Мультфильмлар. 15.00 — Болғар халқ куйларидан концерт. 15.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 16.20 — Муҳбирларимиз ҳикоя қиладилар. 16.50 —Жаноб олийларининг адъютанти. Бадиий фильм. 4-серия. 18.00 — Бизнинг биография. 1963 йил. 19.00 — Футбол. Пахтакор — Спартак. 20.45 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.00 — Санъат. 21.30 —Время. 22.00 — Футбол. Кубань — Динамо (Минск).

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Нўхат устидаги малика. Бадиий фильм. 11.35 — Ўйлаб топ. 12.00 — Кувноқ стартлар. 13.00 —Ўзбекистон спорти. 14.00 — Фильм-концерт. 14.40 — Кинохроника. 15.25 — Реклама. 18.05 —Болалар учун фильмлар. 18.30 — Ўрмон ходимлари куни. 19.00 — Футбол. Пахтакор — Спартак (Москва) Таниффус пайтида — Ахборот. 20.45 — Ахборот. 21.05 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.25 — Қиёмат қарз. Спектакль.

Қиргизистон телевидениесининг программаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 —Время. 9.40 — Федор Трофимович ва бошқалар. 4-курсатув. 10.10— Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 10.40 — Спортлото. 10.50 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 11.50 — Уруш ва тинчлик. Бадиий фильм. 4-серия. 13.30 — Қолиблар. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Мультфильм. 16.05 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 17.05 — В Дуров номли жониворлар театрида. 17.50 — Халқаро мавзуда суҳбат. 18.20 — Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Печкачилар. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05— Сиз бунга қодирсиз. 23.00 — Концерт. 00.10 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25 — Мультфильмлар. 10.05 — Қиска метражли бадиий фильмлар. 11.10 — Ҳужжатли фильм. 11.25 — Тонгги почта. 11.55 — Воронеж телевидениесининг программаси. 12.40 — Ҳужжатли фильм. 13.40 — Футбол. Спартак — Торпедо (К). 14.25 — Сув чанги спорти бўйича СССР чемпионати. 15.10 — Музикали программа. 16.25 — Киносаҳҳатчилар клуби. 17.25 — Халқаро обзор. 17.40 — Музикали киоск. 18.10 — Ишбилармон кишилар. Бадиий фильм. 19.30 Бизнинг биография. 1960 йил. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. Динамо (Мн) — Торпедо (М).

ТОШКЕНТ-II. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 10.55 — Фильм-концерт. 11.20 — Бадиий фильм. 1-серия. 12.35 — Шахмат мактаби. 13.00 — Концерт. 14.15 — Нўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.05 — Мен, сен ва мультик. 18.45 — Цирк. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.25 — Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз. 22.35 — Еқимтой жаноб Р. Бадиий фильм.

Тожикистон телевидениесининг программаси

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада концерти. 9.30 — Ешлик. 10.15 — Дугоналар. 11.30 — Ўзбек давлат филармонияси солистларининг концерти. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Ишлаб чиқариш илғорлари, Сизлар учун. 14.00 — Табаррук замин. 16.20 — Музикали салом. 17.00 — Қалб хотираси. 18.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 18.30 — Музикали глобус. 19.25 — Ешлик. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Пахтакорлар учун концерт. 22.30 — Тошкентнинг олтин кузи. Бутуниттифоқ санъат фестивалининг очилишига бағишланган концерт. 23.15 — Тошкентнинг олтин кузига бағишланган концерт давоми. 24.00 —Хайрли тун.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IXда **Бой ила хизматчи**, 12/IXда **Ғариблар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11, 12/IXда **Лайли ва Мажнун**, 13/IX да **Заҳар ичган даъвогар.**

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
12 сентябрь соат 19.00да СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
Олий лиганинг «ПАХТАКОР» (Тошкент) — **«ҚАЙРАТ»** (Олмаота) **командалари ўртасида**
ФУТБОЛ

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ СИРТҚИ БЎЛИМГА **қуйидаги ихтисосликлар бўйича**
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Топограф, геодезист, картограф.
Техникумга 8—10-синф ҳажмида маълумоти бўлиб, шу соҳада ишлаётганлар қабул қилинади.
8-синф ҳажмида маълумотлар учун ўқиш муддати — 4 йил, ўрта маълумотлилар учун эса 3 йил.
АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 2 ОКТЯБРДАН 1 ДЕКАБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
1 ноябрдан 16 декабргача: МАТЕМАТИКА (оғзаки), **РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (диктант, иншо)**дан кириш имтиҳонлари олинади.**
Машғулотлар рус тилида олиб борилади.
Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, М. Горький проспекти, 82-уй. (1, 17-автобус, 6, 22, 13-трамвайлар, 18-троллейбусининг «Универмаг» бекати). Телефон 62-58-35.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари—33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда ва — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49; 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; 3-31-42; Кашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

З 02171. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНД